

ANJUMAN | КОНФЕРЕНЦИЯ | CONFERENCES | RESPUBLIKA KO'P TARMOQLI ILMIY KONFERENSIYA

# YANGI O'ZBEKISTON: 2023

CONFERENCES.UZ

INNOVATSIYA, FAN VA TA'LIM

DAVRIYLIGI: 2018-2023

DUNYO TARIXIDA KOSMOSGA  
UCHGAN BIRINCHI INSON



*Дарин Тарафлари*

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI VA XORVIJ OLIY TA'LIM MUASSASALARI PROFESSOR-O'QITUVCHILARI, YOSH OLIMLAR, DOKTORANTLAR, MAGISTRANTLAR VA IJTIDORLI TALABALAR

TOSHKENT SHAHAR, AMIR  
TEMUR KO'CHASI, PR.1, 2-UY.

+998 97 420 88 81  
+998 94 404 00 00

WWW.TAQIQOT.UZ  
WWW.CONFERENCES.UZ



OKTYABR  
№57

**ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН:  
ИННОВАЦИЯ, ФАН  
ВА ТАЪЛИМ  
1-ҚИСМ**

---

**НОВЫЙ УЗБЕКИСТАН:  
ИННОВАЦИИ, НАУКА  
И ОБРАЗОВАНИЕ  
ЧАСТЬ-1**

---

**NEW UZBEKISTAN:  
INNOVATION, SCIENCE  
AND EDUCATION  
PART-1**

**ТОШКЕНТ-2023**



УУК 001 (062)  
КБК 72я43

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” [Тошкент; 2023]

“Янги Ўзбекистон: Инновация, фан ва таълим” мавзусидаги республика 57-кўп тармоқли илмий масофавий онлайн конференция материаллари тўплами, 31 октябрь 2023 йил. - Тошкент: «Tadqiqot», 2023. - 24 б.

Ушбу Республика-илмий онлайн даврий анжуманлар «Харакатлар стратегиясидан – Тараққиёт стратегияси сари» тамойилига асосан ишлаб чиқилган еттита устувор йўналишдан иборат 2022 – 2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегияси мувофик:– илмий изланиш ютуқларини амалиётга жорий этиш йўли билан фан соҳаларини ривожлантиришга бағишланган.

Ушбу Республика илмий анжуманлари таълим соҳасида меҳнат қилиб келаётган профессор - ўқитувчи ва талаба-ўқувчилар томонидан тайёрланган илмий тезислар киритилган бўлиб, унда таълим тизимида илғор замонавий ютуқлар, натижалар, муаммолар, ечимини кутаётган вазифалар ва илм-фан тараққиётининг истиқболдаги режалари тахтил қилинган конференцияси.

**Масъул муҳаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович, ю.ф.д., доцент.

#### **1. Ҳуқуқий тадқиқотлар йўналиши**

Профессор в.б., ю.ф.н. Юсувалиева Рахима (Жахон иқтисодиёти ва дипломатия университети)

#### **2. Фалсафа ва ҳаёт соҳасидаги қарашлар**

Доцент Норматова Дилдора Эсоналиевна (Фарғона давлат университети)

#### **3. Тарих саҳифаларидаги изланишлар**

Исмаилов Ҳусанбой Маҳаммадқосим ўғли (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Таълим сифатини назорат қилиш давлат инспекцияси)

#### **4. Социология ва политологиянинг жамиятимизда тутган ўрни**

Доцент Уринбоев Хошимжон Бунатович (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

#### **5. Давлат бошқаруви**

Доцент Шакирова Шоҳида Юсуповна «Тараққиёт стратегияси» маркази муҳаррири

#### **6. Журналистика**

Тошбоева Барнохон Одилжоновна (Андижон давлат университети)

#### **7. Филология фанларини ривожлантириш йўлидаги тадқиқотлар**

Самигова Умида Хамидуллаевна (Тошкент вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш ҳудудий маркази)



**8.Адабиёт**

PhD Абдумажидова Дилдора Рахматуллаевна (Тошкент Молия институти)

**9.Иқтисодиётда инновацияларнинг туган ўрни**

Phd Вохидова Мехри Хасанова (Тошкент давлат шарқшунослик институти)

**10.Педагогика ва психология соҳаларидаги инновациялар**

Турсунназарова Эльвира Тахировна Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети Хорижий тиллар факультети ўқув ишлари бўйича декан ўринбосари

**11.Жисмоний тарбия ва спорт**

Усмонова Дилфузахон Иброхимовна (Жисмоний тарбия ва спорт университети)

**12.Маданият ва санъат соҳаларини ривожлантириш**

Тоштемиров Отабек Абидович (Фарғона политехника институти)

**13.Архитектура ва дизайн йўналиши ривожланиши**

Бобохонов Олтибой Раҳмонович (Сурхандарё вилояти техника филиали)

**14.Тасвирий санъат ва дизайн**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**15.Муסיқа ва ҳаёт**

Доцент Чариев Турсун Хуваевич (Ўзбекистон давлат консерваторияси)

**16.Техника ва технология соҳасидаги инновациялар**

Доцент Нормирзаев Абдуқайом Раҳимбердиевич (Наманган муҳандислик-қурилиш институти)

**17.Физика-математика фанлари ютуқлари**

Доцент Соҳадалиев Абдурашид Мамадалиевич (Наманган муҳандислик-технология институти)

**18.Биомедицина ва амалиёт соҳасидаги илмий изланишлар**

Т.ф.д., доцент Маматова Нодира Мухтаровна (Тошкент давлат стоматология институти)

**19.Фармацевтика**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

**20.Ветеринария**

Жалилов Фазлиддин Содиқович, DSc, Тошкент фармацевтика институти, Фармацевтик ишлаб чиқаришни ташкил қилиш ва сифат менежменти кафедраси профессори

**21.Кимё фанлари ютуқлари**

Раҳмонова Доно Қаххоровна (Навоий вилояти табиий фанлар методисти)



**22. Биология ва экология соҳасидаги инновациялар**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

**23. Агропроцессинг ривожланиш йўналишлари**

Проф. Хамидов Муҳаммадхон Хамидович «ТИИМСХ»

**24. Геология-минерология соҳасидаги инновациялар**

Phd доцент Қаҳҳоров Ўктам Абдурахимович (Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти)

**25. География**

Йўлдошев Лазиз Толибович (Бухоро давлат университети)

---

*Тўпلامга киритилган тезислардаги маълумотларнинг хаққонийлиги ва иқтибосларнинг тўғрилигига муаллифлар масъулдир.*

© Муаллифлар жамоаси

© Tadqiqot.uz

PageMaker\Верстка\Саҳифаловчи: Шаҳрам Файзиев

Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000

**ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ**

**1. Ахмад Марсович Зуфаров**  
КОНТРАБАНДАНИ АЙРИМ ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ: ЖИНОЯТ-  
ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ ..... 7



## ҲУҚУҚИЙ ТАДҚИҚОТЛАР ЙЎНАЛИШИ

### КОНТРАБАНДАНИ АЙРИМ ЎХШАШ ЖИНОЯТЛАРДАН ФАРҚЛАШ: ЖИНОЯТ-ҲУҚУҚИЙ ТАҲЛИЛ

**Ахмад Марсович Зуфаров**

Тошкент давлат юридик университети  
мустақил изланувчиси  
zam.soiskatel@gmail.com

**Аннотация.** Мақолада контрабандани айрим ўхшаш жиноятлардан, хусусан, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 182-моддасида жавобгарлик белгиланган божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузишдан фарқлаш мезонлари ҳар томонлама таҳлил қилиб берилган. Таҳлиллар асосида Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасини такомиллаштириш бўйича таклифлар илгари сурилган.

**Калит сўзлар:** контрабанда, божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, божхона қонунчилиги, божхона назорати, божхона чегараси, божхона чегарасини ноқонуний кесиб ўтиш, кўп миқдор, маъмурий преюдиция.

### ОТЛИЧЕНИЕ КОНТРАБАНДЫ ОТ ДРУГИХ СХОДНЫХ ПРЕСТУПЛЕНИЙ: УГОЛОВНО-ПРАВОВОЙ АНАЛИЗ

**Ахмад Марсович ЗУФАРОВ**

самостоятельный соискатель  
Тошкентского государственного  
юридического университета  
zam.soiskatel@gmail.com

**Аннотация:** В статье проводится комплексный анализ критериев отграничения контрабанды от некоторых однородных преступлений, в частности, от нарушения таможенного законодательства, которое карается статьей 182 Уголовного кодекса Республики Узбекистан. На основе анализа выдвинуты предложения по совершенствованию статьи 182 УК Республики Узбекистан.

**Ключевые слова:** контрабанда, нарушение таможенного законодательства, таможенное законодательство, таможенный контроль, таможенная граница, незаконное пересечение таможенной границы, крупный размер, административное преследование.

### DIFFERENCE OF CONTRABAND FROM OTHER SIMILAR CRIMES: CRIMINAL LEGAL ANALYSIS

**Axmad Marsovich ZUFAROV**

independent researcher of  
Tashkent State University of law  
zam.soiskatel@gmail.com

**Annotation:** The article provides a comprehensive analysis of the criteria for delimiting smuggling from certain homogeneous crimes, in particular, from violation of customs legislation, which is punishable by article 182 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan. Based on the analysis, proposals were made to improve Article 182 of the Criminal Code of the Republic of Uzbekistan.



**Keywords:** smuggling, violation of customs legislation, customs legislation, customs control, customs border, illegal crossing of the customs border, large size, administrative prosecution.

Амалдаги Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси асосида контрабандани авваламбор, Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасида жиноий жавобгарлик белгиланган “Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш”дан (ЖК 182-моддаси) фарқлаш зарур.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасида назарда тутилган божхона тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузиш жинояти иқтисодиёт соҳасидаги ижтимоий муносабатларга йўналтирилган. Ушбу жиноят соҳасидаги жуда катта даромадлар хуфёна иқтисодиёт асосларидан бири бўлиб ҳисобланади. Айнан шу соҳа латентликнинг юқори коэффицентига эга, чунки бунда уюшганлик ва коррупциянинг даражаси юқоридир.

Ўзбекистон Республикаси ЖК божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш учун жавобгарлик турини божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар ва транспорт воситалари миқдори билан боғлаган бўлиб, бу миқдор уларнинг ҳуқуқбузарлик содир этилган кундаги қийматидан келиб чиққан ҳолда аниқланади.

Товарлар ва транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан кўп миқдорга ўтказганлик учун ҳар доим, шахс айнан шундай ҳуқуқбузарлик учун бир йил давомида бир неча марта маъмурий жавобгарликка тортилганлигидан қатъи назар, маъмурий жавобгарлик келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасининг биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарлик товарлар ва транспорт воситаларини кўп миқдорда қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилган (МЖтК 227<sup>16</sup>, 227<sup>19</sup>, 227<sup>20</sup>, 227<sup>21</sup>-моддалари, 227<sup>22</sup>-моддасининг биринчи қисми) шахс маъмурий жазо қўлланилганидан сўнг бир йил давомида яна айнан шундай ҳуқуқбузарликни кўп миқдорда содир этган ҳолдагина келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси иккинчи қисмида назарда тутилган квалификация белгилари мавжуд бўлганда, жиноий жавобгарлик шахс товарлар ва транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказганлик учун илгари маъмурий жавобгарликка тортилган-тортилмаганлигидан қатъи назар келиб чиқади. Бунда Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси иккинчи қисмининг “в” ва “г” бандлари бўйича жиноий жавобгарлик фақат божхона тўғрисидаги қонунчилик кўп миқдорда бузилган ҳолдагина келиб чиқади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноят предмети бўлиб қуйидаги олти тоифа ашёлар ҳисобланади: божхона чегарасидан ўтказилаётган ҳар қандай кўчар мол-мулк, шу жумладан, валюта ва валюта қимматликлари; электр, иссиқлик энергиялари ва энергиянинг бошқа турлари; БК 7-моддаси 1-3-бандларига мувофиқ, товар деб тан олинган транспорт воситалари; интеллектуал мулк объектлари (фойдали моделлар, саноат намуналари); маданий бойликлар - моддий дунёнинг миллий, тарихий, бадий, илмий-маърифий, маънавий-ахлоқий ва бошқа маданий аҳамиятга молик кўчар ашёлари (“Маданий бойликларнинг олиб чиқилиши ва олиб кирилиши тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 3-моддаси); ўсимлик ва ҳайвонот дунёси объектлари.

Гувоҳи бўлганимиздек, божхона қонунларини бузиш предметида иккита белги хос: **биринчидан**, мазкур жиноятнинг предмети сифатида олиб кирилиши ёки олиб чиқилиши таъқиқланган ёхуд Ўзбекистон Республикаси чегарасидан олиб ўтилиши чегараланган, товар ёки бошқа қимматликлардан иборат бўлган сифат кўрсаткичи; **иккинчидан**, жиноий жавобгарликка тортиш учун зарурий шарт сифатида товар ёки бошқа қимматликларни кўп ёки жуда кўп миқдорда божхона чегарасидан олиб ўтганлиги учун маъмурий жавобгарликка тортилганлик факти аниқланиши шартлигидан иборат бўлган миқдор кўрсаткичи.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси мазмунига кўра, товарлар ва транспорт воситаларини қонунга хилоф равишда божхона чегарасидан ўтказиш товарларни Ўзбекистон божхона ҳудудига олиб кириш ёки мазкур ҳудуддан олиб чиқиш тарзидаги ҳаракатни содир этишнинг Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасида назарда тутилган усуллари мутаносиб бўлган бешта усули кўзда тутилган: божхона назоратини четлаб ўтиш; божхона назоратидан яшириш; божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланиш; декларация қилмасдан ёки бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиш; чегарани бузиб ўтиш.





Товарларни божхона чегарасидан ўтказишнинг ҳар бир тартиби учун қонунчиликда божхона органларига тақдим этилиши лозим бўлган ҳужжатлар ва маълумотларнинг алоҳида рўйхати назарда тутилган (БК 43-моддаси). Шундан келиб чиқиб, мазкур рўйхатларда назарда тутилмаган ҳужжатлар ва маълумотларни божхона органларига тақдим этмаган шахснинг ҳаракатлари қонунга хилоф деб қаралиши мумкин эмас.

Божхона органи томонидан божхона декларациясини текшириш, товарларни кўздан кечириш ва божхона декларациясида кўрсатилган маълумотлар нотўғрилиги аниқлангунга қадар божхона декларациясида йўл қўйилган хатоларнинг декларант томонидан мустақил тузатилиши (БК 95-моддаси) маъмурий ва жиноий жавобгарликни истисно этади.

Божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказилаётган товарлар миқдорини аниқлашда, фақат, божхона назоратини четлаб ўтиб божхона назоратидан яшириб, ёхуд божхона ҳужжатлари ўқиёслаш воситаларидан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ўқиё декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб ўтказилган товарлар қисмининг қиймати инобатга олинмиши керак.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 182 ва 246-моддаларида назарда тутилган жиноятлар қуйидаги элементлари билан бир-биридан фарқ қилади:

**Биринчидан**, энг асосийси жиноятлар предмети билан бир-биридан фарқ қилади: Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасида қоида тариқасида муомаласи тақиқланмаган ўқиё чекланмаган товар ўқиё бошқа қимматликлар назарда тутилган. Хусусан, бундай товар ўқиё бошқа қимматликлар сирасига табиат объектлари ва табиий ресурслар, маданий қимматликлар, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, валюта қимматликлари ва бошқалар кириши мумкин.

Масалан, Ўзбекистон Республикасининг 2019 йил 22 октябрдаги ЎРҚ-573-сон “Валютани тартибга солиш тўғрисида”ги Қонуни (янги таҳрири) 22-моддасига мувофиқ, жисмоний шахслар томонидан Ўзбекистон Республикасининг нақд валютасини ва чет эл нақд валютасини Ўзбекистон Республикасидан ташқарига олиб чиқиш юз миллион сўм эквивалентдан ортиқ бўлмаган суммада амалга оширилади. Нақд валютани белгиланган эквивалентдан ортиқ суммада олиб чиқиш Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланган тартибга мувофиқ амалга оширилади. Ўз навбатида ушбу талабга риоя этилмаган ҳолда валюта қимматликларини Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ноқонуний олиб чиқиш (маъмурий преюдицияни инобатга олган ҳолда) Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасига мувофиқ жавобгарликка сабаб бўлади.

Божхона кодексининг “Валюта назорати”га оид 34-бобининг 242-моддасида Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини ва нақд чет эл валютасини ноқонуний олиб кириш ҳамда олиб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда кўриладиган чоралар белгиланган. Унга кўра, Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини ва нақд чет эл валютасини ноқонуний олиб кириш ва олиб чиқиш билан боғлиқ ҳуқуқбузарликлар аниқланган тақдирда божхона органлари ноқонуний олиб кириляётган ва олиб чиқилаётган Ўзбекистон Республикасининг нақд миллий валютасини ва нақд чет эл валютасини олиб кўяди, терговга қадар текширув ўтказди, маъмурий иш ўқиё жиноят ишини кўзғатади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасида жиноят предмети бўлган модда ва ашёларнинг муомаласи ў тақиқланган ўқиё чекланган бўлади.

**Иккинчидан**, ушбу жиноятларнинг объекти бир-биридан фарқ қилади. Хусусан, Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси “Иқтисодиёт соҳасидаги жиноятлар” бўлимининг “Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар” бобида жойлаштирилган. Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар – давлат миллий иқтисодиёти асосларига, жумладан, пул-кредит, молия, божхона, валюта ва солиқ муносабатларига зарар етказадиган жиноятлар ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддаси эса, “Жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартибига қарши жиноятлар” бўлимининг “Жамоат хавфсизлигига қарши жиноятлар” бобида жойлашган. Яъни, мазкур жиноятнинг маҳсус, турдош ва бевосита объектлари юқорида таъкидланганидек, жамоат хавфсизлиги ва жамоат тартиби билан боғлиқ.

**Учинчидан**, Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси биринчи қисми бўйича жиноий жавобгарликнинг вужудга келиши Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасидан фарқли равишда маъмурий преюдицияга боғланган. Яъни, қилмиш шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса, жиноят ҳисобланади.



Масалан, сўнги 5 йил давомида биргина Тошкент шаҳар божхона бошқармаси томонидан контрабанда ва божхона қонунбузилишларига қарши кураш йўналишида 2017–2021 йиллар давомида 9,7 мингдан ортиқ ҳолатлар фош қилинган[1]<sup>1</sup>. Республика миқёсида 2022 йилнинг I чорагида божхона соҳасига оид қонунчилик ҳужжатларининг бузилиши билан боғлиқ 118 та ҳуқуқбузарлик ҳолатлари аниқланиб, қиймати 1 млрд. 648 млн. сўмлик товар-моддий бойликлар ашёвий далил тариқасида ушлаб қолинди. Шундан, жами 7 та ҳолатда ЎзР ЖК тегишли моддалари бўйича жиноят иши қўзғатилди[2]<sup>2</sup>.

Бунда Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси бўйича божхона қонунларини бузганлик учун жиноий жавобгарлик товар ёки бошқа қимматликлар Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунга хилоф равишда ўтказиш маъмурий жазо қўлланилганидан кейин кўп миқдорда содир этилса, шунингдек, ушбу моддада кўрсатилган бошқа жавобгарликни оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд бўлганда юзага келади. Товар ёки бошқа қимматликларни божхона чегарасидан ўтказишнинг бошқа ҳолларида айбдор шахслар МЖТК 227-моддасига (божхонага доир қонун ҳужжатларини бузиш) мувофиқ маъмурий жавобгарликка тортилади.

**Тўртинчидан**, Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддаси (“Контрабанда”) ва 182-моддаси (“Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш”) фарқли жиҳатларидан яна бири божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш жиноятида миқдор кўрсаткичи назарда тутилган бўлиб, унга кўра, мазкур жиноят “кўп миқдорда” содир этилиши лозим. Айни дамда контрабанда жинояти учун бундай миқдор назарда тутилмаган бўлиб, контрабанда предмети миқдоридан қатъи назар қилмишни жиноят сифатида Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддаси билан малакалаш учун асос бўлади.

Фикримизча, бундай ёндашув тўғри бўлиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасида назарда тутилган материалларни кўп миқдорда олиб ўтгандагина унинг ижтимоий хавфлилик даражаси жиноятга мос келади, Ўзбекистон Республикаси ЖК 246-моддасида назарда тутилган предметларда эса, уларнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ўта юқори бўлиб, уларга нисбатан миқдор чекловини белгилаб бўлмайди.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, ЖК 182-моддаси (“Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш”) ва 184-моддаси (“Солиқлар ёки йиғимларни тўлашдан бўйин товлаш”) ўртасидаги нормалар рақобати ҳуқуқни қўллаш амалиётида қилмишни тўғри малакалашга салбий таъсир кўрсатмоқда.

Таъкидлаш лозимки, ҳар иккала жиноят ҳам Ўзбекистон Республикаси ЖК 12-бобидан (“Иқтисодиёт асосларига қарши жиноятлар”) ўрин олган, яъни умумий (жамият ва давлат манфаатлари), махсус (иқтисодиёт соҳаси) ва турдош (иқтисодиёт асослари) объектлари бир хил ҳисобланади.

Товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш божхона қонунчилиги, шу жумладан, Божхона кодексига риоя этган ёки уни бузган ҳолда амалга оширилади. Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси мазмунан товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан қонунчилик талабларига риоя этмаган ҳолда ўтказиш учун жавобгарликни назарда тутди.

Ўз навбатида Божхона кодекси 289-моддасида божхона бўжхона тўловлари турлари сифатида божхона божи, қўшилган қиймат солиғи, акциз солиғи ва божхона йиғимлари назарда тутилган. Божхона тўловлари товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш ва божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун ундирилади.

Шу билан бирга Юридик шахсларга солиқлар, божхона ва мажбурий тўловларни бюджетга тўлаш бўйича берилган имтиёزلарни расмийлаштириш ва бухгалтерия ҳисобида акс эттириш тартиби тўғрисида низомда (Адлия вазирлиги томонидан 2005 йил 2 апрелда 1463-сон билан давлат рўйхатидан ўтказилган) ҳам божхона божи, акциз солиғи, ҚҚС ва ҳоказо турлари бўйича ҳисобланган божхона тўловлари ҳақида сўз боради.

Шу тариқа Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддаси божхона қонунчилигини бузиш

1 Саидов Т. Бош мақсад – Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлиги йўлида хизмат қилиш // Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти – [customs.uz](http://customs.uz)

2 Натижалар – сарҳисоб қилинди // Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти – [customs.uz](http://customs.uz)



сифатида ушбу соҳани тартибга солувчи барча норматив-ҳуқуқий ҳужжатларни қамраб олишини, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси ЖК 184-моддаси бўйича асосий жиноятлар божхона тўловларини тўламаслик орқали, яъни ЖК 182-моддасида назарда тутилган жиноятни содир этиш усулларида бири сифатида содир этилади. Шундан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси **ЖК 184-моддасидан божхона тўловлари, яъни товар-моддий бойликларни белгиланган тартибда Давлат чегарасидан олиб ўтиш учун давлатга тўланадиган тўловларни тўлашдан бўйин товлаган шахсларнинг ҳаракатларини** Ўзбекистон Республикаси **ЖК 182-моддасига алоҳида қисм сифатида ўтказиш зарур.**

Юқоридагилардан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 182-моддасини қуйидаги таҳрирда баён этиш таклиф этилади:

**“182-модда. Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш**

Божхона назоратини четлаб ёки божхона назоратидан яшириб ёхуд божхона ҳужжатлари ёки воситаларига ўхшатиб ясалган ҳужжатлардан алдаш йўли билан фойдаланган ҳолда ёки декларациясиз ёхуд бошқа номга ёзилган декларациядан фойдаланиб, товар ёки бошқа қимматликларни кўп миқдорда Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан ўтказиш, шундай ҳаракат учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин содир этилган бўлса,

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваригача миқдорда жарима ёки тўрт юз саксон соатгача мажбурий жамоат ишлари ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш:

а) жуда кўп миқдорда;

б) чегарани бузиб ўтиш, яъни божхона хизматининг розилигини олмасдан туриб, товар ёки бошқа қимматликларни Ўзбекистон Республикасининг божхона чегарасидан очикдан-очик ўтказиш йўли билан;

в) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

г) хизмат лавозимидан фойдаланган ҳолда содир этилган бўлса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

давлат томонидан белгиланган солиқларни ёки йиғимларни тўлашдан қасддан бўйин товлашни анча миқдорда содир этиш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, —

**Товар ёки бошқа қимматликларни божхона расмийлаштирувини амалга ошириш учун тўланиши лозим бўлган давлат томонидан белгиланган тўловларни тўлашдан бўйин товлаш мақсадида божхона тўғрисидаги қонунчиликни бузиш, шунингдек, бундай тўловларни анча миқдорда тўлашдан бўйин товлаш, шундай қилмиш учун маъмурий жазо қўлланилганидан кейин рўй берган бўлса, —**

базавий ҳисоблаш миқдорининг бир юз эллик бараваригача миқдорда жарима ёки икки йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) такроран;

б) кўп миқдорда содир этилса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг юз эллик бараваридан икки юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки уч йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд уч йилдан беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.

Ушбу модданинг учинчи қисмида кўрсатилган ҳаракатлар:

а) жуда кўп миқдорда;

б) уюшган гуруҳ томонидан ёки унинг манфаатларини кўзлаб;

в) хизмат мавқеидан фойдаланган ҳолда содир этилса, —

базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки уч йил ахлоқ тузатиш ишлари ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилдан саккиз йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланади.



Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари “а” бандида назарда тутилган жиноят бўйича божхона тўловлари тўлиқ тўланган тақдирда, мазкур ҳаракатларни содир этган шахсларга нисбатан озодликни чеклаш ёхуд озодликдан маҳрум қилиш жазоси тайинланмайди.

Ушбу модданинг тўртинчи ва бешинчи қисмлари “а” бандида назарда тутилган жиноятни биринчи марта содир этган шахс, агар у давлат божхона хизмати органининг қарорини олган кундан эътиборан ўттиз кун ичида йиғимлар, шу жумладан пенялар ва бошқа молиявий санкциялар тарзида давлатга етказилган зарарнинг ўрнини тўлиқ қопласа, жавобгарликдан озод қилинади”.

**Иқтибослар:**

1. Саидов Т. Бош мақсад – Ўзбекистон иқтисодий хавфсизлиги йўлида хизмат қилиш // Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти – [customs.uz](http://customs.uz)
2. Натижалар – сарҳисоб қилинди // Ўзбекистон Республикаси Давлат божхона қўмитасининг расмий веб-сайти – [customs.uz](http://customs.uz)

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН: ИННОВАЦИЯ, ФАН ВА ТАЪЛИМ 1-ҚИСМ

**Масъул мухаррир:** Файзиев Шохруд Фармонович  
**Мусахҳиҳ:** Файзиев Фаррух Фармонович  
**Саҳифаловчи:** Шахрам Файзиев

Эълон қилиш муддати: 31.10.2023

**Контакт редакций научных журналов. [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
ООО Tadqiqot, город Ташкент,  
улица Амира Темура пр.1, дом-2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Тел: (+998-94) 404-0000

**Editorial staff of the journals of [tadqiqot.uz](http://tadqiqot.uz)**  
Tadqiqot LLC The city of Tashkent,  
Amir Temur Street pr.1, House 2.  
Web: <http://www.tadqiqot.uz/>; Email: [info@tadqiqot.uz](mailto:info@tadqiqot.uz)  
Phone: (+998-94) 404-0000